«ТАСДИҚЛАНГАН»
«O'ZSUVLOYIHA» АЖ
акциядорларининг 2022 йил
« 30 » июндаги умумий йиғилиши
қарори билан
(2022 йил « 08 » июлдаги рақамсиз
баённома)
Йиғилиш раиси

_____ Равшанов Н.П.

«O'ZSUVLOYIHA» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ИЖРОИЯ ОРГАНИ – БОШ ДИРЕКТОРИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

(янги таҳрир)

Тошкент ш. – 2022 йил

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1.Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (кейинги ўринларда – Қонун), Корпоратив бошқарув Кодекси тавсиялари (Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган), давлат иштирогидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув Қоидали тавсиялари (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш Комиссиясининг 2018 йил 20 апрелдаги 15-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган), ва «O'ZSUVLOYIHA» Акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда - Жамият) Устави асосида ишлаб чиқилган.

1.2.Ушбу Низом «O'ZSUVLOYIHA» Акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) яккабошчилик ижроия органи - Бош директорининг мақомини ва ваколатларини, уни тайинлаш тартибини, шунингдек унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

1.3.Бош директор Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилади ва Жамиятнинг бошқарув органи ҳисобланади.

1.4.Бош директор Жамият Кузатув кенгаши ва Акциядорларнинг умумий йиғилишига ҳисобдордир.

1.5.Бош директор ўз фаолиятида Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари, Корпоратив бошқарув кодекси ва давлат иштирогидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув Қоидалари тавсиялари, Жамият Устави, ушбу Низом ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларига амал қилади.

II. БОШ ДИРЕКТОРНИНГ ВАКОЛАТ ДОИРАСИ

2.1.Бош директорнинг ваколатига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

2.2.Бош директор Акциядорлар умумий йиғилишининг ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини таъминлайди.

2.3.Бош директорнинг ваколатига қуйидагилар киради:

Жамият Устави билан ўзига берилган ваколатларга, шунингдек Кузатув кенгаши ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорларига мувофиқ Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилади;

Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилади;

Ўзбекистон Республикаси банкларида ҳисоб рақамлар, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларини очади ва Жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлади;

Жамият мижозлари ва бошқа корхона ва ташкилотлар билан шартномалар ва контрактларни имзолайди ва битимлар тузади;

ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг мол–мулки ва пул маблағларини тасарруф этади;

штатларни белгилайди, ходимларнинг штат рўйхатини тасдиқлайди, Жамият ходимларини ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллайди, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлайди;

Жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлари, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлайди;

Жамият номидан ишончномаларни беради;

Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган йўриқнома, регламент ва бошқа ҳужжатларни тасдиқлайди;

Жамиятнинг ички ҳужжатларини тасдиқлайди, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Жамият Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;

Жамиятнинг таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлайди;

Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлайди;

Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва йиллик бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилади;

Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегия лойихасини Кузатув кенгаши билан биргаликда ишлаб чиқиш;

амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотларни Жамият веб-сайти ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали тақдим этилишини таъминлайди;

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Жамиятнинг Кузатув кенгаши ёки Жамият аудитори талабига кўра тақдим этади;

давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия хисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;

тижорат ва хизмат сирини ташкил этувчи ва бошқа конфиденциал ахборотнинг Жамият ходимлари томонидан сақланишини таъминлайди;

Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлайди, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўради;

Жамиятнинг хайрия (спонсорлик) ва бошқа беғараз ёрдам кўрсатишга Жамият Кузатув кенгаши ўрнатилгалган тартибга мувофиқ ва доир йиллик харажатлари ўтган йил учун олинган соф фойданинг 10 фоизидан ортмаслигини ва бу ишни ўтган ҳисобот йили учун Жамиятнинг соф фойда қисми бўйича бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилган тақдирдагина амалга ошириш тартибига амал қилиниши билан хайрия ва бошқа беғараз ёрдам кўрсатишга қарор қабул қилади;

акциядорларнинг амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган маълумотларини олиш, акциядорларнинг умумий йиғилишларида қатнашиш ва дивидендлар тўланиши бўйича барча ҳуқуқларига риоя қилинишини таъминлайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиниши мажбурий лозим бўлган ўз фаолияти тўғрисидаги маълумотларни Жамият томонидан ошкор этилишини таъминлайди;

Жамиятнинг обрўсига таъсир қилувчи хавфни бошқаради;

Жамиятнинг фаолиятида Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлайди;

Жамиятнинг Корпоратив бошқарув кодексининг тавсияларига мувофиқлигини таъминлайди;

Жамиятнинг давлат иштирокидаги корхоналар учун Корпоратив бошқарув қоидалари тавсияларига мувофиқлигини таъминлайди;

Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари, Жамиятнинг Устави ва ушбу Низомга мувофиқ Бош директор ваколатига кирувчи бошқа масалаларни ҳал этади.

2.4.Йирик битим Жамият Акциядорларининг умумий йиғилиши ёки Кузатув

кенгаши ушбу битим бўйича қарор қабул қилганидан кейин Жамиятнинг Ижроия органи томонидан амалга оширилади.

Бунда йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг қонунчиликка мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади.

Жамият Ижроия органи Жамиятнинг одадтаги хўжалик фаолияти чоғида йирик битимларни (агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан ортиғини ташкил этса) мустақил амалга ошириши мумкин, агар Акциядорлик умумий йиғилиши томонидан Жамиятнинг кундалик хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш (тасдиқлаш) қарори мавжуд бўлса.

2.5.Жамиятнинг аффилланган шахс билан тузилаётган битимни Кузатув кенгаши ёки Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан маъқулланган дан кейин Жамиятнинг Ижроия органи томонидан амалга оширилади.

Бунда аффилланган шахс билан тузилаётган, қиймати Жамият соф активлари қийматининг ўн ёки ундан кўп фоизини ташкил этадиган битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчиликка мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади.

Жамият Ижроия органи Жамиятнинг одадтаги хўжалик фаолияти чоғида аффилланган шахслар билан битимларни мустақил амалга ошириши мумкин, агар Жамиятнинг Кузатув кенгаши ёки Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан аффилланган шахс билан келгусида Жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида Акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарори мавжуд бўлса.

2.6. Жамият Бош директори Акциядорларниг умумий йиғилишини қонунчиликда белгиланган тартибда ўтказилишини ташкил этади, шу жумладан

ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш орқали.

2.7. Ижроия орган Жамиятнинг инвестиция сиёсатини самарали амалга ошириш учун устав фондларида Жамиятнинг улуши мавжуд корхоналарнинг бошқарув органларида Жамият номидан «Устав фондларида акциядорлик жамияти улушга эга корхоналарнинг бошқарув органларида унинг вакилларининг ациядолик жамият номидан овоз бериш Тартиби»га мувофиқ овоз беришни таъминлайди.

2.8. Жамият Ижроия органи Қонун ва Жамиятнинг Уставида ўрнатилган тартиб ва муддатларда дивидендларни акциядорларга тўлашини таъминлайди.

Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Жамият тузилган шартномага мувофиқ Марказий депозитарий ва инвестиция воситачилари орқали дивидендлар тўловини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

III. БОШ ДИРЕКТОРНИ САЙЛАШ (ТАЙИНЛАШ) ТАРТИБИ

3.1. Жамиятнинг Бош директорини лавозимига сайлаш (тайинлаш) Жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра 3 (уч) йил муддатга амалга оширилади.

3.2.Жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра Бош директорни сайлаш (тайинлаш) чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилиши мумкин.

3.3.Жамият Кузатув кенгаши Бош директор лавозимига номзодларни кўриб чиқади.

3.4.Жамиятнинг камида 1 фоиз оддий акцияларининг эгалари Жамият Бош директор лавозимига номзодлар бўйича уларни Акциядорларнинг умумий йиғилишигача алмаштириш эҳтимоли билан таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

3.5. Жамият Бош директорига қуйидаги малака талаблари қўйилади:

а)Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида ёхуд қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидаги таълимга тенглиги эътироф этилган хорижий давлат таълим муассасасида олинган олий маълумотга эга бўлиш;

б) лойиҳалар, режалаштириш, ишлаб чиқариш, маркетинг, молия, кадрлар, ва бошқа соҳаларида малакаларнинг мавжудлиги;

в) раҳбарлик лавозимларида камида 3 (трех) йиллик иш тажрибаси.

3.6. Куйидаги шахслар Бошқарув аъзолари бўлиши мумкин эмас:

в) иқтисодиёт соҳасидаги ёки бошқарув тартибига қарши жиноятлар учун судланганлик бор шахслар;

г) банкрот деб эътироф этилган пайтда юридик шахснинг якка тартибдаги ижроия органи ёки коллегиал ижроия органи аъзоси вазифасини бажаралган шахслар, агар бундай шахс банкрот деб эътироф этилган пайтдан бошлаб 2 (икки) йил ўтмаган бўлса.

Жамиятнинг самарали фаолиятни таъминлаш мақсадида Ҳукумат раҳбари ва аъзолари Жамият Ижроия органининг раҳбари этиб сайланиши (тайинлаши)га йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Компания аудитини ўтказиш учун тайинланган ташқи аудиторларнинг раҳбарлари ёки ходимлари бўлган шахслар Ижроия органининг раҳбари этиб сайланиши (тайинланиши) мумкин эмас.

3.7. Бош директор лавозимига номзодлар номзодлар ўзларининг номзодлари кўриб чиқилаётганда, Кузатув кенгаши мажлисида иштирок этишлари мумкин.

3.8. Жамият Бош директорлигига номзодларни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш Кузатув кенгаши томонидан шахсий тартибда амалга оширилади.

3.9.Бош директорни сайлаш (тайинлаш) тўғрисидаги қарор Кузатув кенгаши томонидан оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Жамият Бош директорини сайлаш (тайинлаш) масала бўйича акциядорлар вакили сифатида иштирок этувчи Бош директор овоз беришга ҳакли эмас (агар Бош директорни сайлаш масаласи Акциядорларнинг умумий йиғилишига киритилган бўлса);

3.10. Бош директор – Жамият Ижроия органи раҳбари сифатида тайинланган (қайта тайинланган) шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ижро органи раҳбари бўлиши мумкин эмас.

3.11.Кузатув кенгаши томонидан Бош директорни сайлаш (тайинлаш) тўғрисидаги қарор қабул қилингандан кейин Бош директор билан ёллаш тўғрисида 3 (уч) йил муддатга меҳнат шартномаси тузилади.

Жамият Бош директори ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида, Жамият Уставида ҳамда уларнинг ҳар бири Жамият билан тузадиган шартномада белгиланади.

Шартнома Жамият номидан Жамият Кузатув кенгашининг раиси ёки Кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

Жамият Бош директор билан тузиладиган шартномада унинг Жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши зарур.

3.12.Бош директор лавозим йўриқномасида белгилаб берилган ваколатлар, улар билан тузилган меҳнат шартномаси шартлари, Жамият Устави, ушбу Низом, Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари доирасида иш тутади.

3.13.Жамиятнинг Бош директорининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш Жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра амалга оширилади.

Жамият Кузатув кенгаши Бош директор билан тузилган шартномани, агар у шартнома шартларини бузган тақдирда тугатишга (бекор қилишга) ҳақли.

Жамият Кузатув кенгаши Жамиятнинг Бош директори, агар у Жамият Уставини қўпол тарзда бузса ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

Кузатув кенгаши томонидан Жамият Бош директори ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Жамият Бош директориининг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши ёхуд Жамият Бош директори вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда, Кузатув кенгашининг яқин орадаги йиғилишида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.

IV. ЖАМИЯТ БОШ ДИРЕКТОРИ ҲИСОБОТИ

4.2.Бош директор ҳар чоракда Жамият Кузатув кенгаши олдида Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан ҳисобот беради.

Жамият Бош директори Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Кузатув кенгаши олдида мунтазам равишда ҳисобот беради.

Жамият Бош директори устав капиталида Жамият иштирок этадиган корхоналар томонидан уларнинг тасдиқланган бизнес-режаларига мувофиқ амалга оширилган ишлар ва уларнинг тасдиқланган кўрсаткичларига эришилганлиги тўғрисида Кузатув кенгашига доимий равишда ҳисобот беради.

4.2.Жамият Бош директои Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида молия йили якунларига кўра Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари, Жамиятнинг йиллик бизнес-плани бажарилиши ва Жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ҳисобот беради.

4.3.Акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот берувчи Бош директор маъруза (ҳисоботи) шакли ва мазмунига бўлган талаблар Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган Жамият ички хужжати билан белгиланади.

V. БОШ ДИРЕКТОРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1.Жамият Бош директорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча қонун ҳужжатларида, Жамият Уставида, Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган ушбу «Ижроия органи - Бош директор тўғрисида»ги Низомда ҳамда у Жамият билан тузадиган меҳнат шартномасида белгиланади.

5.2.Бош директор қуйидагиларга ҳақли:

ўз ваколатига тегишли масалалар бўйича мустақил равишда қарорлар қабул қилади;

Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, бошқа ташкилотлар ва органлар билан ўзаро муносабатларда унинг манфаатларини ифодалайди;

Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;

Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларида лавозимга эга бўлиши мумкин;

Жамият фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

Жамият фаолиятини устувор йўналишларини белгилаш ва Жамият ривожлантириш стратегия бўйича таклифлар киритиш;

Жамият Уставига ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритиш ва Жамиятнинг ички ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар киритиш;

хақ олиш;

Бош директор қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

5.3.Жамият акциядорларини манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, Бош директор Кузатув кенгаши билан келишган ҳолда, Жамиятнинг бизнес хавф-хатарларини ва Бош директор жавобгарлигини суғурта қилишга ҳакли.

5.4.Бош директор Жамият Кузатув кенгашининг розилигисиз бошқа юридик шахсларнинг бошқарув ва назорат органларида иштирок этишга ҳақли эмас.

5.5.Бош директор қуйидагиларга мажбур:

Акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларида иштирок этиш;

ўз вазифаларини профессионал асосда амалга ошириш, қонун ҳужжатлари, Жамият Устави ва Бошқарув органлари қарорларидан келиб чиқувчи барча мажбуриятларни оқилона бажариш;

ўқув курслари, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш орқали малакасини ошириш;

Жамият мансабдор шахслари томонидан ҳаракат ва битим амалга оширилганда ёки улар томонидан ахборот ошкор қилинганда манфаатлар қарама-қаршилигига олиб келиши мумкин бўлган вазиятларнинг олдини олиш;

Кузатув кенгашини Жамият билан боғлиқ ҳар қандай битим ёки масала бўйича ҳар қандай қизиқиш ва манфаатлар тўқнашуви юзага келиши тўғрисида хабардор қилиш;

манфаатлар тўқнашуви юзага келганда, Жамият манфаатларини кўзлаб фаолият юритиш;

у билан тузилган мехнат шартномасидаги шартларга мувофиқ ўз мажбуриятларини керакли даражада бажариш;

Жамиятнинг йиллик бизнес-режаси параметрларини бажарилишини таъминлаш;

Жамиятнинг йиллик бизнес-режаси бажарилиши бўйича ҳар чоракда Жамият Кузатув кенгашига ҳисобот бериш;

Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Кузатув кенгаши олдида мунтазам равишда ҳисобот беради.

Ҳар йили Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида молия йили якунларига кўра Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари, Жамиятнинг йиллик бизнес-плани бажарилиши ва Жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ҳисобот беради.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорларини ижросини назоратини ташкил қилади ва амалга ошириш;

акциядорларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ахборотларни олиш, Акциядорларнинг умумий йиғилишларида иштирок этиш, дивидендлар ҳисоблаш ва тўлаш бўйича барча ҳуқуқларига риоя этилишини назорат қилиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамият фаолияти тўғрисидаги ахборотни тегишли тарзда ошкор этилишини назорат қилиш;

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Жамиятнинг Кузатув кенгаши ёки Жамият аудитори талабига кўра тақдим этилишини таъминлайди;

Жамият таркибий тузилмаларининг самарали ҳамкорлик юритишини таъминлаш;

Жамият шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;

Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга йиллик ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар ўз вақтида тақдим этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш;

давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш;

Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг сақланишини таъминлаш;

Жамият фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни ошкор қилмаслик;
Жамият фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига, Устав, корпоратив бошқарув Кодекси, давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув Қоидалари, ушбу Низом ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларига риоя қилиш.

Бош директор қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

VI. БОШ ДИРЕКТОРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1.Бош директор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларини бажаришда Жамият ва унинг акциядорлари манфаатларини кўзлаб иш тутишлари зарур.

6.2. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Жамият Бош директор устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

6.3.Бош директор ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги натижасида Жамиятга етказилган зарар учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамият олдида жавобгар бўлади.

6.4.Суд Жамиятнинг Бошқарув Раиси ёки аъзосини Жамиятга мулкий зарар етказганликда айбдор деб топган тақдирда, суд қарорига кўра уларнинг ваколатлари хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаш тақиқланган ҳолда камида бир йил муддатга тугатилиши мумкин.

6.5. Жамиятнинг Бошқарув Раиси ёки аъзоси қуйидагилар натижасида Жамиятга етказилган зарар учун жавобгар бўлади:

чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлик;

Қонунда белгиланган ахборот тақдим этиш тартибини бузганлик;

Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган йирик битимларни ва (ёки) амалга оширилишидан манфаатдорлик мавжуд бўлган битимларни тузишни таклиф этганлик, шу жумладан Жамият билан бундай битимлар тузилиши натижасида ўзлари ёки ўз аффилланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида битимлар тузишни таклиф этганлик.

6.6. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамият мансабдор шахсларига корпоратив бошқарув Кодекс ва давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув Қоидалари тавсияларига риоя этмаганлик ёки Кодексда ва Қоидаларда назарда тутилган ахборотларни ошкор этмаганлик учун жавобгарлик чорасини ўрнатишга ҳақли.

VII. БОШ ДИРЕКТОРНИ МУКОФОТЛАШ (РАҒБАТЛАНТИРИШ)

7.1.Бошдиректорга у ўз вазифасини бажариб турган давр учун Жамиятнинг ҳисобот молия йилидаги фаолият якунлари бўйича мукофот тўланиши мумкин.

7.2.Жамиятнинг Бош директорига тўланадиган мукофот миқдори Жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланади.

7.3.Бош директор Жамиятнинг йил якунлари бўйича соф фойдадан мукофот олишга ҳақлидир.

7.4. Бош директорга мукофот тўлаш «Бошқарув ва назорат органлари аъзоларини мукофотлаш тартиби»га асосан амалга оширилади.

VIII. АХБОРОТНИ ОШКОР ЭТИШ

8.1.Акциядорларнинг умумий йиллик умумий йиғилишида Жамият Бош директорига тўланадиган ҳақ ва компенсациялари миқдори ошкор қилинади.

8.2. Жамиятнинг корпоратив сайтида Ижроия органининг фаолияти тўғрисидаги ахборот жойлаштирилади, шу жумладан:

Жамият Бош директори тўғрисида маълумотлар;

Бош директор доирасига кирадиган масалалар бўйича қабул қилинган мухим қарорлар, Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи масалалар ва бошқа махфий ахборотлар бундан мустасно;

Бош директорнинг Жамият Кузатув кенгашига ҳисоботлари;

Жамият Ижроия органи фаолиятини самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига мувофиқ баҳолаш тўғрисидаги ахборот;

устав капиталида Жамиятга тегишли улушлар корхоналар фаолияти юзасидан, Жамият Ижроия органи томонидан бажарилган ишлар ва эришилган кўрсаткичлар тўғрисида маълумот;

қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бошқа ахборотлар.

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Ушбу Низом Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқлангандан кейин кучга киради.

9.2. Ушбу Низомга амалдаги қонун ҳужжатлари ва Жамият Устави ўзгарганлиги муносабати билан ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши мумкин.

9.3. Ушбу Низомга киритилган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқлангандан кейин кучга киради.

Таништирилди:

«O'ZSUVLOYIHA» АЖ
Бош директори **М.Ф. Наджимов**